2010 йил Баркамол авлод йили

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 10-DEKABR, JUMA, 141 (7758) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Омихта ем, кунжара ва шелуха етказиб беришга ихтисослаштирилган вилоят бирлашмаси ва унинг тизимидаги “Чорва озуқа бирлашмаси” масъулияти чекланган жамиятлари томонидан шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида парвариш қилинаётган чорва молларига мунтазам равишда сифатли озуқа етказиб берилмоқда.

2

Андижонлик деҳқонлар илм-фан ютуқларини, замонавий агротехнологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга иштиёқлари баланд. Илм фидойиларининг суғоришда магнит қўллаш орқали ҳосилдорликни ошириш бўйича технологияларни минтақамизда биринчи бўлиб вилоят шароитида синовдан ўтказган ҳам андижонлик фермерлардир. Магнит майдони таъсиридан ўтган сув экинларнинг униб ўсишини жадаллаштиради, ҳосил салмоғини оширади.

3

Ҳар тонг давлатимиз мадҳияси садолари остида янги кунни қаршилар эканмиз, қалбимиздан ёруғ туйғулар ўтиши ва у бизга кун бўйи қувват, ишонч, ғурур бағишлаши табиий. Зотан, дунёда қўшиқлар кўп, аммо халқни бирлаштирадиган қўшиқ — мадҳиядир.

4

саҳифаларда

Куннинг муҳим воқеалари

- ► Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллиги арафасида Фарғона вилояти Қўштепа тумани Қумтепа маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳа асосида барпо этилган ўттизта замонавий уй ўз эгаларига топширилди. Шунингдек, Навоий вилояти қишлоқларида қад ростлаган намунавий лойиҳадаги 55 уй-жой фойдаланишга топширилди.

- ► **Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг янгидан барпо этилган маслаҳат-ташхис поликлиникаси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар, журналистлар иштирок этди.**

- ► Гулистон шаҳрида замонавий вилоят перинатал маркази ишга туширилди. 130 ўринли ушбу тиббиёт муассасасининг лаборатория, реанимация, диагностика ва тиббий муолажа хоналари, ҳомиладор аёллар учун интенсив терапия, операцион блок ва туғуруқ заллари замонавий тиббий аппаратлар билан жиҳозланди.

- ► **Урганч шаҳрида “Йил аёли – 2010” миллий танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда урганчлик хусусий тадбиркор Нодира Абдуллаева танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.**

Қорақалпоғистон Республикаси

МАҲСУЛОТГА ТАЛАБ ОШМОҚДА

Суратда: ишчи Баҳодир Ҳайтимбетов. **Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

Қўнғирот сода заводининг доимий мижозлари сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Корхона маҳсулотларига “Кварц” акциядорлик жамияти, “Асл ойна” очиқ акциядорлик жамияти, “Фармгласс” қўшма корхонаси, “Урганч ёғ” очиқ турдаги акциядорлик жамияти, “Бухоро НҚИЗ”, “Навоий кон-металлургия комбинати”, “Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компанияси, “Ғазалкент ойна” акциядорлик жамияти каби мамлакатимиздаги йирик машинасозлик ва кимё саноати корхоналари билан бирга, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистондан ҳам кўплаб буюртмалар тушмоқда. Маҳсулот сифати ҳар жиҳатдан харидорларга маъқул бўлаётир.

Навоий вилояти

Байрамлар байрамларга уланди

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигини навоийликлар ҳам муносиб туҳфалар билан кутиб олишди. Байрам муносабати билан вилоятнинг ҳар бир ҳудудида қутлуғ санага бағишланган адабий кечалар, учрашув ва тантаналар бўлиб ўтди.

Зиёлилар ва ёшларнинг юзма-юз мулоқотларида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда, халқ фаровонлигини таъминлашда Бош Қомусимизнинг ўрни катта экани алоҳида таъкидланаётир. Навоий шаҳридаги спортчилар даҳасида бунёд этилиб, айни шу кунларда фойдаланишга топширилган ихтисослаштирилган кураш мактаби биносининг очилиш маросими ҳам чинакам тантанага айланиб кетди. Кўпни кўрган отахонлар, спорт фахрийлари Юртбошимиз томонидан ёшларнинг спортда янада юксак чўққиларни эгаллашлари учун яратиб берилаётган қулайликлар тобора ортиб бораётганини мамнунлик билан қайд этишди.

Меҳнатда алоҳида фидойилик кўрсатган навоийликларнинг бир гуруҳига Ватанимизнинг олий мукофотларини топширишга бағишланган анжуман ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

Навоий вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Дилшоджон Мамаражабовнинг таъкидлашича, янгидан бунёд этилган мактабда қарийб тўрт юз нафар ўсмирга юнон-рум, белбоғли ва ўзбек миллий кураши сир-асрорларини ўргатиш имконияти мавжуд. Шунингдек, Учқудуқ, Кармана, Конимех туманларида қуриб битказилган иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши ҳам Конституция куни тантаналарига уланиб кетди.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 9 декабрь куни Москва шаҳрига жўнаб кетди.

(ЎзА)

ИСЛОМ КАРИМОВ МОСКВАГА КЕЛДИ

Москва, 9 декабрь. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрига келди.

Мамлакатимиз раҳбари 10 декабрь куни бу ерда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

МЕДИА-МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти” мавзуидаги медиа-форум доирасида Ижтимоий мавзудаги медиамаҳсулотлар III миллий фестивали бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Бош прокуратура, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Меҳр нури» жамғармалари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, уларни янада эркинлаштириш, нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини жонлантириш, жамиятимизда юз бераётган воқеликни ошкора ва холис тарзда ёритишнинг замонавий электрон медиа-тизимини яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилдаги фестивалга юздан ортиқ муаллифдан тўрт юздан зиёд ижодий иш тушди. Бу нодавлат электрон медиатармоқлар фаолияти такомиллашиб, ҳудудий нодавлат телерадиостанцияларнинг эфир вақти ижтимоий аҳамиятга молик кўрсатув ва эшиттиришлар билан бойиб бораётганидан далолатдир.

Фестивалда турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2011 йилни мамлакатимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилди.

ТАДБИРКОРИ БАҚУВВАТ ХАЛҚ БАДАВЛАТ БЎЛУР

Президентимиз ўз маърузасида тадбиркорлик халқимиз ҳаётида қадимдан муҳим ўрин тутиб келганига алоҳида эътибор қаратди. Тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг, миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат эканлигини таъкидлади. Бу ўринда халқимизнинг “Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади”, “Иш билганга минг танга” сингари пурмаъно ҳикматларини ёдга олишнинг ўзи кифоя. Тап-тақир ерни ўзлаштириб, мўл-кўл ҳосил ундирган деҳқон боболаримиз, бир туп дарахтда ўн хил мева етиштирган соҳибкорларимиз, жонсиз кундага бамисоли жон бахшида этган уста ҳунармандларимиз, Чиндан то Румгача бўлган элларда уста тужжор деб тан олинган савдогар ва дўкондор аждодларимизнинг анъаналарини бугунги авлод ҳозирги замон талаблари асосида ривожлантирмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва шу асосда яратилган қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилган, унинг конституциявий кафолатлари ишончли таъминланган.

Бунинг самарасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминловчи, демакки, долзарб ижтимоий вазифаларни ҳал этишдаги муҳим соҳага айланди. Айни пайтда иқтисодиётни изчил ва барқарор ривожлантириш, жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини кафолатловчи омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ИСТИҚБОЛЛИ СОҲАДА ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИ

“Президентимиз томонидан 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилиниши мени ниҳоятда қувонтириб юборди. Негаки, келажагимни айни шу соҳада кўраман. Яқиндагина “Ёш тадбиркор – юртга мададкор” танловида либосларни миллийлаштириш лойиҳам билан қатнашиб, 4,5 миллион сўмлик сертификатга эга бўлдим. Бу менинг тадбиркорлик фаолиятимни бошлашимга асос бўлади. Жорий Баркамол авлод йилида кенг кўлам касб этган ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик келгуси йилда янада кенгроқ давом этишига ишонаман. Биз ёшларга, айниқса, тадбиркор ёшларга қаратилаётган эътибор келажагимизнинг янада ёрқин бўлишидан далолатдир”.

Бу Жиззах вилояти Янгиобод туманида яшовчи Дилдора Усмоналиеванинг фикрлари. Ҳа, ёшлар келажак эгалари. Тараққиёт давомчилари, яратувчилари. Уларни қўллаб-қувватлаш тараққиётни қўллаб-қувватлаш демак. Иқтисодиётимизда бир соҳа борки, уни ҳам худди ёшларга менгзаш мумкин. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидир. Унинг ҳам истиқболи порлоқ, келажаги ёрқин. Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари мамлакат ялпи ички маҳсулотининг салкам 50 фоизини ишлаб чиқармоқда. Жорий йил якуни бўйича бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга етиши кутилмоқда. Республикамизда иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи шу соҳада меҳнат қилмоқда. Шу йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 480 мингта янги иш ўрни ташкил этилганлиги унинг нақадар истиқболли соҳа эканлигини кўрсатади.

Президентимиз Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, **“Ички бозоримизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолимизни, аввалambор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу асноda уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда айни шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан бири эканини ҳеч унутмаслигимиз даркор”**, дея таъкидладилар.

Кичик бизнесни жадал ривожлантиришнинг муҳим томонлари бор. Ушбу соҳа нисбатан барқарор, бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олади. Энг муҳими, янги иш ўринлари яратишда катта имкониятларга эга. Соҳанинг жадал ривожининг асосий омили эса қулай муҳитда. Биргина уларга кўрсатилаётган хизматларни олайлик. Жумладан, уларга молиявий кўмак бериш мақсадида ихтисослаштирилган универсал молия муассасаси – “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки фаолият юритмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси таркибидаги ҳамда шу йўналишдаги вазирлик ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ергеодезкадастр”, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, “Ўздонмахсулот”, “Ўзкимёсаноат”,“Ўзагросуғурта”, “Ўзвиносаноат-холдинг”, “Ўзбекенгилсаноат”, “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компаниялари, “Ўзпахтасаноат”, “Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати”, Ўзбекистон фермер хўжаликлари, “Ўзагромашсервис”, “Ўзгўштсутсаноат” уюшмалари, “Агробанк”, “Қишлоқ қурилиш банк”, Халқ банки, “Гидрометеорология” бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, “Ўздавдонинспекция”, “Сифат” маркази

ТАДБИРКОРИ БАҚУВВАТ ХАЛҚ БАДАВЛАТ БЎЛУР

(Боши 1-саҳифада)

Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоиздан ортиғини ишлаб чиқармоқда. Иш билан банд бўлган аҳолининг 74 фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётир.

Биргина шу икки кўрсаткичнинг ўзи миллий тараққиёт моделимиз чуқур ва пухта ўйланганини, юртимизда соҳа ривожига истиқлолнинг дастлабки йилларидан ҳар томонлама эътибор кўрсатилаётгани қанчалик оқилона қарор бўлганлигини яққол кўрсатади.

Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли эҳтиёжини таъминлаётган маҳсулот ва хизматлар бозорини кенгайтириш, умуман, иқтисодиётимизни юксалтиришдаги аҳамиятига юртимизда тўғри баҳо берилди. Бундай субъектлар ўртасида шаклланаётган соғлом рақобат муҳити маҳсулот ва хизматларнинг сифати яхшиланиши, нархининг арзонлашишига кенг йўл очаётир. Тадбиркорликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган қатор енгиллик ва қулайликлар, солиқ имтиёзлари соҳанинг изчил ривожланишига хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида асосий электорати тадбиркор, ишбилармон ва фермерлар бўлган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси энг катта фракцияга эга экани ҳам мазкур соҳа вакиллари жамиятимизда ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бораётганини кўрсатади.

Бу соҳада яратилган ҳуқуқий база тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг қонуний кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкциялар суд қарорига биноан қўлланилиб, уларнинг молия-хўжалик фаолияти фақат солиқ органлари томонидан текширилмоқда. Ҳисобот тақдим этишнинг барча шакл ва турлари кескин қисқартирилган.

Адлия идоралари тадбиркорларнинг мурожаатларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиб, қонуний ҳал этиш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини суд тартибида, тақдимномалар киритиш йўли билан тиклашга эришилмоқда. Натижада қонун бузилишида айбдор мансабдор шахслар жавобгарликка тортилиб, етказилган моддий ва маънавий зарар ундириб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарорига биноан тадбиркорлик субъектларига яна бир қанча қўшимча имтиёз ва кафолатлар яратилди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада камайди. Масалан, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш, архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, банкларда ҳисобрақамларни очиш учун тўловлар миқдори бирмунча қисқартирилди.

Хўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси мунтазам тушириб борилмоқда. Мисол учун 2009 йилда ягона солиқ тўлови бўйича микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди. Янги – 2011 йилдан бошлаб бу кўрсаткичнинг 6 фоизга туширилиши яна бир катта имтиёздир.

Солиқ имтиёзлари борасида бир мисол. «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан тузилган шартномага кўра намунавий лойиҳалар бўйича тайёр ҳолда топшириш шарти асосида хусусий уй-жой қурилишини амалга ошираётган пудратчи ташкилотлар ҳамда янги ташкил этилган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари 2014 йил 1 январга қадар барча турдаги солиқлар, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни ҳамда божхона тўловларини тўлашдан озод қилинган. 2010 йилнинг 9 ойи мобайнида 174 ана шундай қурилиш ташкилотига нисбатан 4 миллиард сўм миқдорида солиқ имтиёзлари қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелда қабул қилинган давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирларига оид қарори асосида бўш турган бино ва иншоотлар хатловдан ўтказилиб, тадбиркорлик субъектларига ижарага берилаётгани уларнинг ўз бизнесини янада ривожлантиришида қулай имконият яратмоқда.

Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, бўш турган майдонлар бўйича 11 мингга яқин ижара шартномаси имзоланди. Кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага беришда тарифлар тадбиркорлик субъектларининг қаерда жойлашгани ва уларнинг фаолият турига қараб 3 баравардан 10 бараварга қадар камайтирилди.

Тадбиркорлик субъектларининг бизнесга доир ғояларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Маркетинг ва консалтинг, ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш орқали тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, бизнес юритиш кўникмасини шакллантириш мақсадида мамлакатимиз бўйича ўттиздан зиёд бизнес-инкубатор фаолият юритмоқда. Тадбиркорларнинг бизнесга доир ғояларини ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилган тадбирлар самарасида ўтган йили тўрт мингдан ортиқ иш ўрнига эга 371 тадбиркорлик субъекти бизнес-инкубация жараёнини ўтади.

Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш соҳани ривожлантиришнинг бош омилидир. Жорий йилнинг тўққиз ойида банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2134,5 миллиард сўмни ташкил қилди. Бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар кўпдир.

Президентимиз фармонига мувофиқ ташкил этилган «Микрокредитбанк» тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини тобора кенгайтириб, тадбиркор ва ишбилармонларга молиявий мададни кучайтирмоқда. Банк ўз фаолияти мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига 268 миллиард сўмлик микромолия хизматларини кўрсатди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса кичик бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 102,8 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Мамлакатимизда ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида ҳунармандларимиз халқимизнинг бой ва бебаҳо меросини қайта тиклаш, анъаналаримизни ривожлантириш, ўзбек амалий санъати дурдоналарини жаҳонга танитиш йўлида изланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 30 мартда қабул қилинган "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"-ги фармони бу борада қўшимча имкониятлар яратди.

Кичик бизнес вакиллари ва фермерларимиз қўлга киритаётган ютуқлар, уларнинг бугунги салоҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловида ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Том маънодаги ташаббускор тадбиркорлар баҳсига айланган мазкур танлов тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини кенгайтиришда кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Айни пайтда бу илғор тажрибани оммалаштириш, тадбиркорлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини қарор топтиришга хизмат қилаётир.

Импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйган, чорвачилик ва бошқа сердаромад соҳаларда юқори натижаларга эришаётган фермерлар сафи кенгайиб бораётир. Тадбиркор, фермер ва ҳунармандларнинг ўз фаолиятига замонавий, илғор усулларни татбиқ этишга интилиши кучайиб бормоқда. Тадбиркорларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифати, рақобатбардошлиги билан нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз харидорларини топмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси изчил тараққий этмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 503 минг иш ўрни яратилган бўлса, шунинг 253 мингтаси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига тўғри келди.

Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик сердаромад соҳалардир. Айни пайтда ушбу тармоқларнинг изчил ривожланиши халқимизни кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, оилавий тадбиркорликни кенгайтириш ҳамда аҳоли даромадини оширишда катта имконият яратмоқда.

Президентимизнинг йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони асосида иш берувчи корхоналар учун ҳам, касаначилар учун ҳам рағбатлантиришнинг яхлит ва таъсирчан тизими яратилди. Касаначилик аҳолини иш билан таъминлаш ва даромад топишнинг қўшимча манбаига айланди.

Касаначиликнинг шаклларини кенгайтиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан жорий йилнинг тўққиз ойида 186,8 минг, жумладан, корхоналар билан кооперация асосида 63,1 минг, пудрат шартномаси ва оилавий бизнес асосида 123,7 минг иш ўрни яратилди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан эълон қилинган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили – 2011 йилда бу борада олиб борилаётган амалий ишлар кўлами янада кенгайиши шубҳасиздир.

Давлатимиз раҳбари маърузасида мамлакатимизда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд экани таъкидланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили бўйича қабул қилинадиган давлат дастурида ўз ифодасини топиши лозим бўлган устувор йўналишлар белгилаб берилди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мавжуд норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув, канализация, иссиқлик таъминоти каби муҳандислик коммуникацияларига уланиши ёки уларни қуришда иштирок этишига рухсат бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш, уларга кредитлар ажратиш тизимини такомиллаштириш, минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўл очиш сингари йўналишларда ғоят кенг қамровли ишлар амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Бу вазифаларнинг рўёбга чиқарилиши Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчига айлантиришга хизмат қилади.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ИСТИҚБОЛЛИ СОҲАДА ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)

Банк томонидан ёшларнинг тадбиркорлик қобилиятларини юзага чиқаришга, молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларигача банк сармоясини киритиб, аҳоли фаровонлигини оширишни мақсад қилган банк жамоасининг ёш тадбиркорлар билан учрашувлари, малакали мутахассисларнинг тавсиялари, тажриба ва амалиёт уйғунлиги, энг муҳими, фоизи кам кредитлардан унумли фойдаланиш борасидаги фикрлар ёшларда тадбиркорликка бўлган қизиқишни орттирмоқда. "Баркамол авлод йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда молия муассасалари томонидан қатор ишлар олиб борилаётир. Банк томонидан анъанавий ўтказиб келинаётган "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" танловида минглаб ёшлар иштирок этиб, ўзининг бу борадаги салоҳияти, иқтидорини намойиш этмоқда. Шунинг баробарида яна минглаб ёшларда тадбиркорликка қизиқиш уйғонмоқда.

2010 йилнинг 28 июлида Президентимизнинг "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Фармони қабул қилинди. Унга биноан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор имтиёзлар жорий этилди. Чунончи, микрофирмалар ва кичик корхоналар мамлакатимиздаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузганда, ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрдан кўпи билан 20 фоиздан оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Президентимизнинг мазкур Фармони, шунингдек, жорий "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижроси юзасидан олиб борилаётган ишларда ёшларнинг истиқболли лойиҳалари қўллаб-қувватланаётир.

— Юртбошимиз маърузасида "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида амалга оширилган ишларга тўхталар экан, **"Шулар қаторида битирувчиларга ўз бизнесини ташкил этиши учун имтиёзли кредитлар бериш бўйича банкларимиз томонидан амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга сазовордир"**, дея таъкидлаб ўтдилар, — дейди "Микрокредитбанк" ОАТБнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микрокредитлаш департаменти директори Зулфия Каримова. — Бу борада банкимиз томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Фармон талабларидан келиб чиқиб, банк томонидан таълим муассасаларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам жорий йилнинг ўтган ойларида бир қатор ишлар қилинди. Жумладан, ҳудудларда кўргазмали семинарлар ташкил этилди. Битирувчилар, тадбиркорликка қизиқиши бўлган ёшларга бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш бўйича банк сертификатлари топширилди. Ёш тадбиркорларнинг маҳсулотлари, хизматлари намойиш этилди. Жорий йилда тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида 850 нафардан ортиқ битирувчига 2 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Ушбу кўрсаткич йил охиригача 3,2 миллиард сўмга етказилиши режалаштирилган. Умуман олганда, банкимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 102,8 миллиард сўмлик микрокредитлар йўналтирилди. Бунинг натижасида қарийб 80 мингта янги иш ўрни яратилди.

"Ёш тадбиркор — юртга мададкор" танлови минглаб ёшларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги салоҳияти ҳамда иқтидорини намойиш этмоқда.

Буни ёшларнинг бугунги фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманилик Қундуз Қурбонова банкнинг ёш мижози. Ёш тадбиркорнинг таъкидлашича, у бизнес лойиҳаси орқали "Микрокредитбанк"дан 1 миллион 600 минг сўмлик имтиёзли кредит олишга эришибди. Энди ушбу сармоя асосида миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантирмоқда.

Наманган вилояти Уйчи туманидаги Ғайрат қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Ойшабону" ўқув марказида фаолият юритиб келаётган Гулноза Исмоилова қишлоқда хизмат кўрсатишни ривожлантиришни мақсад қилганди. Банк томонидан берилган сармояга, яъни, уч миллион сўм фоизсиз олган кредитга Гулноза компьютер анжомлари, тикув машиналари сотиб олди, ишни янада ривожлантириб юборди.

Жиззах вилоятидаги Зомин қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг 3-курсида таълим олаётган Отабек Эргашев ҳозирданоқ тадбиркорлигини намойиш этмоқда. У банкка ўзининг мутахассислиги — ветеринария соҳасида бизнес-лойиҳа тақдим этди.

— Лойиҳам маъқулланиб, 3,4 миллион сўмлик сертификат соҳиби бўлдим, — дейди ёш тадбиркор. — Ветеринария пункти очишдан мақсад чорвачилик маҳсулдорлигини янада оширишдир. Ўзим чорвачиликка қизиқаман. Чорва наслини яхшилаш орқали унинг маҳсулдорлигини ошириш мумкинлигини билгач, айни шу йўналишда тадбиркорлик қилишга қарор қилдим. Қолаверса, мамлакатимизда чорвачиликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ушбу соҳа даромадни оширишда аҳамияти катта.

Бугун Дилдора, Отабек сингари ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда банк ўзининг ёрдамини, мададини бериб келмоқда. Ёшлар кичик бизнес ва тадбиркорликни ўзининг келажаги деб билаётган экан, юртга хизмат қилишда ана шу соҳани танлаётган экан, уларга мададкор бўлиш хайрлидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт**.

Бу жараёнда ёшларнинг, баркамол авлоднинг иштироки, ташаббуси муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бугунги ёшлар эртанги тараққиётимиз эгаларидир.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Бухоро Вилояти

Янги деҳқон бозори

Президентимизнинг 2010 йил 26 апрелда қабул қилинган "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шофиркон тумани марказида замонавий ва миллий меъморчилик анъаналарини уйғунлаштирган янги деҳқон бозори фойдаланишга топширилди. Бу ерда 180 га яқин турғун савдо дўконлари, мева-сабзавотлар, сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ҳамда колбаса маҳсулотлари учун мўлжалланган алоҳида павильонлар ўрин олган. Шунингдек, бозор ташқарисида қарийб 200 автомашинага мўлжалланган тўхташ жойи ташкил этилди.

Айни кунларда бозор маъмурияти расталарни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида уларнинг захирасини яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу мақсадда тумандаги 20 нафар фермер хўжалиги, ўндан ортиқ тадбиркорлик субъектлари билан шартнома имзоланган.

— Бозор мажмуасида ишлар бугунги кун талаблари асосида йўлга қўйилган, — дейди мажмуа директори Яҳё Самадов. — Хусусан, бир марталик йиғимлар ва ижара тўловларини амалга оширишнинг электрон тизими жорий этилди. Бу ерда "Халқ банки" шохобчаси ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Туманда янги буюм бозори ҳам қад ростламоқда. Замонавий архитектура асосида барпо этилаётган иншоотни яқин ойлар ичида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Ҳамроз АЛИ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Сурхондарё Вилояти

Бойсунда миллий либослар ҳамиша қадрлаб келинади. Айниқса, аёлларнинг пахтадан тўқилган кийим-кечакларга ихлоси баланд. Айнан шу сабабли Бойсунда аввалги шойи тўқиш фабрикаси негизида "Умид" кичик корхонаси иш бошлади. Унга ишбилармон ва тадбиркор Неъмат Абдуллаев раҳбарлик қилмоқда.

Фабрикага замонавий технологиялар келтирилди

Ҳанифа Ражабова, Гулчеҳра Аъзамова, Дилафрўз Сафарова, Фотима Мўминова сингари чевар аёллар бугун "Умид" кичик корхонасининг фаол аъзолари. Улар корхонанинг қўлбола дастгоҳларида пахтадан ип йигириб, бўз тўқишяпти. Бўзни эса Бухородаги фабрикаларга элтиб, гул босишади ва тайёр матодан чойшаблар, кўрпа-ёстиқ жилдлари, матраслар тайёрланади. Тайёр маҳсулотлар буюртма асосида тегишли жойларга етказиб берилаётир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида "Умид" кичик корхонасининг 20 нафар ҳунарманд аёллари меҳнати эвазига 613 миллион сўмлик — 40 минг дона чойшаб, 30 минг донадан зиёд кўрпа ва ёстиқ жилдлари ҳамда матраслар тикилди.

Неъмат Абдуллаев ҳамиша янгилик яратсам, эл-юртга нафим тегса, деган эзгу ниятлар билан тиниб-тинчимайди. Фидойиликнинг маҳсули ўлароқ Хитойдан 300 миллион сўмлик асбоб-ускуналар келтирилди. Янги технологиялар билан жиҳозланган корхона цехларида яқин орада 90 сантиметр ва 1,6 метр кенгликдаги бўз матолари тайёрлана бошлайди.

Усмонали НОРМАТОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Андижон Вилояти

ЧОРВАЧИЛИК БАРАКА МАНБАИ

ОЗУҚАНИНГ МЎЛЛИГИ – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари бош сонини кўпайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш учун вилоятимизда ҳам талайгина ижобий ишлар амалга оширилди.

Омихта ем, кунжара ва шелуха етказиб беришга ихтисослаштирилган вилоят бирлашмаси ва унинг тизимидаги 14 та туман ҳамда битта шаҳар "Чорва озуқа бирлашмаси" масъулияти чекланган жамиятлари томонидан шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида парвариш қилинаётган чорва молларига мунтазам равишда сифатли озуқа етказиб берилмоқда. Юқорида қайд этилган қарорнинг шарофати билан жойларда чорва моллари бош сони йил сайин ортиб бораётгани қувончли бир ҳолдир. Масалан, 2009 йилда вилоятимиз бўйича 625 минг 948 шартли бош чорва молларига омихта ем, кунжара ва шелуха етказиб берилган бўлса, жорий йилнинг октябрь ойи ҳолатига бу миқдор 695 минг 734 шартли бошни ташкил этди. Демак, ўн ойлик қисқа давр мобайнида чорва моллари 69 минг 786 бошга кўпайгани ҳам ҳукуматимиз томонидан чорвачиликни ривожлантиришга бўлган эътибор туфайли қўлга киритилган ютуқдир.

Албатта, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни янада кўпайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини, гўшт-сут маҳсулотлари етиштиришнинг ўсишини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлашнинг аҳамияти муҳимдир.

Жорий йилнинг ўн ойида биржа савдолари орқали вилоятимиздаги "Андижонёғмой", "Асакаёғ" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Андижондонмаҳсулотлари", "Асакадонмаҳсулотлари", "Қўрғонтепадонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятларидан 2 минг 753 тонна омихта ем, 46 минг 944 тонна кунжара, 34 минг 775 тонна шелуха маҳсулотлари сотиб олинди. Аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги мавжуд чорва моллари учун 166 та зарурий анжомлар билан тўлиқ жиҳозланган махсус ем сотиш шохобчалари орқали 13 миллиард 834 миллион 889 минг сўмлик маҳсулот сотилди.

Фермер хўжаликларида парвариш қилинаётган чорва моллари учун эса 808 тонна омихта ем, 4 минг 292 тонна кунжара, 3 минг 381 тонна шелуха маҳсулотлари етказиб берилди.

Белгиланган пул тушуми режалари ҳам доимо уддаланмоқда. Масалан, жорий йилнинг октябрь ойида 2 миллиард сўмлик пул тушуми режаси 2 миллиард 100 миллион сўмга бажарилди. Пахтаобод, Асака тумани чорва озуқа бирлашмаларида иш ташкил этишда, пул тушуми режаларини бажаришда мақтовга арзигулик ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Айниқса, чорвачиликда озуқанинг мўллиги ва сифатлилиги самарадорликнинг ишончли омили бўлиб хизмат қилади. Бу йил туман озуқа бирлашмалари саъй-ҳаракати билан чорва қишлови учун 36 минг 300 тонна дағал хашак, 145 минг 100 тонна сомон жамғариб қўйилди.

Сомон жамғариш ишларини жадал суръатларда амалга оширишда Тошкент шаҳридаги "UzClaasAgro" қўшма корхонасидан харид қилинган 14 дона "Markant-55" русумли пресспод-борщиклар жуда ҳам асқотди. Табиий хашак жамғаришга зарур бўлган Тошкент Агрегат заводи очиқ акциядорлик жамиятидан харид қилинган 7 дона "КИР-1,5" ўт ўриш мосламаси ҳам қўл келмоқда. Ушбу техникалар ёрдамида ҳудудлардаги яйлов ва адирлардан хашак йиғиштириб олишда ҳамда чорвачилик хўжаликларига қарашли майдонлардаги етиштирилган маккажўхорини ўриб-йиғиб олишда ҳам фойдаланилди.

Туман бирлашмаларидаги шохобчаларда парвариш қилинаётган қорамоллар ва парранда бош сонини кўпайтириш учун ҳам режали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чорвачиликни ривожлантириш, чорва моллари учун кучли ва сифатли озуқа маҳсулотлари етказиб бериш, айниқса, аҳолиси жуда зич жойлашган вилоятимизнинг сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлашда бирлашмамиз олдида долзарб вазифалар турибди. Шу вазифаларни сифатли бажариш эса, албатта, чорвачилик маҳсулотлари, хусусан, гўшт ва сут маҳсулотларининг арзонлашувига ҳам хизмат қилади.

Ойбек АБДУЛЛАЕВ,
Андижон вилояти чорва озуқаси бирлашмаси раҳбари.

Андижон Вилояти

ИЛМ-ФАН — АМАЛИЁТГА

СУҒОРИШДА МАГНИТ ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАСИ

ОЛИМЛАР ТАДҚИҚОТЛАРИ БАЛИҚЧИ ТУМАНИ ФЕРМЕРЛАРИ ТАЖРИБАСИДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА

Андижонлик деҳқонлар илм-фан ютуқларини, замонавий агротехнологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга иштиёқлари баланд. Илм фидойиларининг суғоришда магнит қўллаш орқали ҳосилдорликни ошириш бўйича технологияларини минтақамизда биринчи бўлиб вилоят шароитида синовдан ўтказган ҳам андижонлик фермерлардир. Магнит майдони таъсиридан ўтган сув экинларнинг униб ўсишини жадаллаштиради, ҳосил салмоғини оширади. Бу борадаги амалий тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этганлар орасида Балиқчи туманида ҳам ўнлаб фермерлар бор.

— Мана икки йилдирки, ғалла ҳамда пахта етиштиришда суғоришни магнит қўллаб амалга оширмоқдамиз, — дейди тумандаги "Насиба орзуси" фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Аҳмадалиев. — Жорий йилда 33 гектар майдонда пахтанинг "Ан-35" навини етиштирдик. Чигит экилган майдонлар парвариш давомида шу усулда суғорилди. Ҳар сувдан сўнг ғўзанинг бўй-басти ўсиб, шохлаши, ҳосил тугунчалари тугиши тезлашди. Кўсакларнинг йириклиги, шохларда деярли уларнинг бир хиллиги кузатилди. Бу майдондаги кўсаклар суғориш анъанавий усулда амалга оширилган бошқа даладагига нисбатан 15 кун аввал очилди. Биринчи теримнинг ўзидаёқ ҳар гектар майдондан 34 центнердан пахта териб олинди. Ҳар гектар майдондан режадаги 31,9 центнер ўрнига 38 центнердан ҳосил олишга эришдик. Энг қувончлиси, пахтамиз тўлиғича 1-нав 1-синфга сотилди.

Мазкур фермер хўжалигида ғалла етиштиришда ҳам суғоришда магнит қўллаш катта самара берди. Бу усулда суғорилган ғалланинг туплаши одатдаги усулда суғорилганига нисбатан ўн кун аввал бошланди. Экиннинг қалинлигини кўрган киши ҳайратланарди. Ҳар гектар майдондан 63 центнердан ғалла ўриб-йиғиб олинди. Даромадга яраша буромад дейдилар. Етиштирилган ғалланинг бир қисми фермер хўжалиги аъзоларига мукофот тариқасида тарқатилди.

Ҳозирда вилоятдаги юзлаб фермер хўжаликларида тупроқ шароити турли хил бўлган далаларда сувни магнит билан ионлаштириш усулида экинларни суғоришнинг ҳосилдорликнинг ортишига омил бўлиши ўз исботини топди.

Фандан маълумки, қарама-қарши зарядлар бир-бири билан бирикади, бир хил зарядлар эса бир-биридан қочади. Суғоришда магнитдан фойдаланилса, табиатнинг бу қонунияти туфайли сув ва минерал ўғитлар кўпроқ парчаланиб, экин уларни ўзлаштириши тезлашади. Ўсимлик сувда эриган озуқаларни илдизи билан қабул қилади. Демак, ўсимлик тупроқнинг қайси заряд заррачаларига кўпроқ эҳтиёж сезса, ўшани тез ва осон ўзлаштиради. Натижада экин яхши ривожланиши билан бирга, ҳосил тугунчаларини кўпроқ ушлаб қолишига шароит туғилади. Албатта, суғоришнинг бу усули содда ва қулайлиги, сув ва тупроқнинг самарадорлигини ошириши шундоққина кўриниб турганлиги билан ҳам бободеҳқонлар тажрибасига тез сингиб кетди.

— Бу йил ушбу усулни биз ҳам қўллаб, катта ютуқларни қўлга киритдик, — дейди Балиқчи туманидаги "Обиджон ота" фермер хўжалиги раҳбари Баҳромжон Қосимов. — 2009 йили ғаллани суғоришда анъанавий усулдан фойдаланилган эди. Ҳар гектар майдондан 53 центнердан ғалла олинганди. Жорий йилда эса магнит усулида суғориш шарофати билан ҳар гектар ғалладан 67 центнердан буғдой олдик. Етиштирилган буғдойимиз уруғлик сифатида сотилгани боис даромадимиз ҳам кутилганидан зиёда бўлди. Хўжалик аъзоларига 30 тонна дон мукофот тариқасида тарқатилди. Уч тонна буғдой маҳаллалардаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга хайрия қилиб берилди.

Суғоришда магнитдан фойдаланишнинг ҳам йўл-йўриғи бор.

Магнит қўлланиб суғорилган помидорнинг ҳосили мўл бўлди.

Фермер хўжаликлари уюшмаси туман бўлими раҳбари Олимжон Мирзакаримов (ўртада) фермерлар Улуғбек Аҳмадалиев ҳамда Баҳромжон Қосимовлар бир-бирларидан фойдали маслаҳатларини аяшмайди.

Пахтачиликни олиб кўрайлик. 2009 йили оддий усулда суғорилиб, ҳар гектар майдондан 35 центнердан ҳосил олинган эди. Бу йил эса магнит қўллаб суғорилгач, ҳосилдорлик 42 центнерга етди. Яна бир аҳамиятли томони режамизни биринчи теримдаёқ уддалаб қўйдик. Фермер хўжалигимизни бундан ўн уч йил аввал ташкил этган бўлсак, бу йиллар давомида ҳеч ҳам биринчи теримда режани бажармаган эдик. Хўжалигимиз иқтисоди бақувватлашувида ҳам бу усул қўл келди. Етиштирган пахтамизнинг 100 фоизи 1-нав 1-синфга сотилди.

— Келгуси йил ғалла ҳосилининг мўл бўлиши учун ҳам яна бир янгиликка қўл урдик, — дея сўзини давом эттиради Баҳромжон Қосимов. — Ғалла уруғлиги шакарли сув билан ишлов берилиб экилди. Бугунги кунда ғалла майсалари уч-тўрттадан туплаганини кўриб ўзимиз ҳам қувоняпмиз. Бу усул сир-асрорини ҳозирча айтмай тура қолай. Агар натижа яхши бўлса, албатта, яна бир келиб "Қишлоқ ҳаёти" газетасига алоҳида мақола тайёрлаб берасиз-да!

"Обиджон ота" фермер хўжалигининг нафақат туманда, балки вилоятда ҳам ўз ўрни, мавқеи бор. Фермер хўжалиги раҳбаридан тортиб оддий аъзосигача ишнинг кўзини билгани боис ҳар жабҳада даромадлар юқори бўлмоқда. Фермер хўжалигида 42 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Жорий йилнинг 10 ойида 70 тоннадан ортиқ сут етиштирилди. Тумандаги мактабгача болалар муассасаларини сут билан таъминлаб келмоқда. Ўн ойда саккиз тонна гўшт етиштирилди.

Хўжалик кўрган фойдасидан 10 миллион сўмдан ортиқроқ сарфланиб, қишлоқ врачлик пункти таъмирлаб берилди. Маҳаллалардаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон ва меҳрибонларидан айрилганларга доимо фермер хўжалиги томонидан хайрия ёрдамлари бериб борилаётгани ҳам таҳсинга лойиқдир.

Фермер хўжалиги иқтисоди бақувватлашиб бораётгани эвазига турли хил техника воситалари харид қилмоқда. Хўжалик ихтиёрида "Класс Доминатор" комбайни, 3 та МТЗ-80 трактори, КамАЗ автомашинаси, Т-4 трактори ва бир неча замонавий енгил автомашиналар бор.

Мақола тайёрлаш жараёнида Баҳромжон Қосимов билан дилдан суҳбатлашдик. Гап-сўзидан маълум бўлдики, у ота-она хизматини қилиб, дуоларини олишга муяссар бўлган кишилар тоифасидан экан.

— Падари бузрукворим ҳаёт бўлганларида бу йил 86 ёшга кирарди, — дейди Баҳромжон. — Ота-онанинг ҳар бир насиҳати ҳикматдай бўларкан. "Инсонни алдасанг, кечириши мумкин, ерни алдаб бўлмайди, ер эса кечирмайди", "Сенга ҳасад қилувчилар тош отса, уларга ош ошатгин", "Кийиминг чанг бўлса, тозаласанг бўлади, агар инсоннинг қалби тоза бўлмаса, уни тозалаш қийин", деган ибораларни тез-тез такрорларди. Чорва молларини кўпайтиришни қайта-қайта уқтирар эди. "Номард эркак бир оилани боқа олмаслиги мумкин, аммо тилсиз, ақлсиз қорамол бир оилани боқиши мумкин".

Юқорида номлари қайд этилган ҳар икки фермер хўжалигининг ибратли ишлари хусусида яна кўп илиқ гапларни ёзиш мумкин. Илм-фан янгиликларини ҳаётга жорий қилиб, ижобий натижаларни қўлга киритаётган Балиқчи тумани фермерлари ҳузуридан катта таассуротлар билан қайтдик.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Сурхондарё Вилояти

Юртимизда адлия органлари фаолиятини такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган ишлар амалда ўз самарасини бераётир. Хусусан, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга моликдир.

ТАДБИРКОРЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

2010 йилнинг тўққиз ойида вилоят адлия бошқармаси Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими иш режаси ва ариза-шикоятларга асосан ўтказган текширишлар натижасига кўра хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 153 та тақдимнома, 47 та огоҳнома, 30 та кўрсатма ва маъмурий-ҳуқуқбузарлик тўғрисида 53 та баённомалар расмийлаштирилди.

Тақдимномаларга асосан 162 нафар масъул шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан икки нафари эгаллаб турган вазифасидан озод этилди. Ҳокимлик ва назорат идораларининг 101 та ноқонуний қарори бекор қилинди, 11 та ҳужжатнинг ижроси тўхтатилди ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари поймол этилиб ноқонуний ундирилган 4 308 530 сўм маблағ ўз эгаларига қайтарилди.

Бўлим томонидан тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг манфаатини кўзлаб ҳокимликлар, солиқ идоралари, тижорат банклари, назорат қилувчи идоралар, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги тайёрлов корхоналари ва бошқа идораларга нисбатан 1 миллиард 957,4 миллион сўмлик 155 та даъво аризалар киритилган бўлиб, аризалардан 82 таси судлар томонидан қаноатлантирилди. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари фойдасига 442 миллион 509,1 минг сўм асосий қарз ва 99 миллион 413,9 минг сўм неустойка ундириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241¹-моддасида тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини бузиш, муайян фаолиятни амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) беришни ғайриқонуний рад этиш ёки уни беришдан бўйин товлаш, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган статистика ҳисоботини ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, худди шунингдек, унинг мустақиллигини бошқача тарзда чеклаш ёки фаолиятига ғайриқонуний аралашилганлиги учун жавобгарлик белгиланган. Қонун ҳужжатларида қайд этилган меъёрларнинг бузилишига йўл қўймаслик адлия бошқармасининг доимий эътиборида.

Б.ҒАФФОРОВ,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси.

Қашқадарё Вилояти

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида "Сув ресурсларида барқарорликни таъминлашнинг долзарб муаммолари" мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

СУВ РЕСУРСЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Унда мамлакатимиздаги етакчи олий ўқув юртлари, илмий марказлар олимлари, соҳага дахлдор корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда сув ресурсидан оқилона фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бу борада муҳим омил бўлаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштиришга оид қарорига мувофиқ магистрал ва хўжаликлараро каналларни тозалаш, гидротехник иншоот ва гидропостларни қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилаётгани замирида ҳам бебаҳо неъматни тежамкорлик билан сарфлаш, сув исрофгарчилигига йўл қўймаслик мақсадлари мужассам.

Анжуманда сув ресурсларини изчил ривожлантириш, Марказий Осиё экологик муаммолари ечимининг самарали механизми, сув ресурслари барқарорлиги назарияси ва амалиёти, дарё, кўл ва сув омборларининг гидрологияси, мелиоратив гидрология, гидрохимия ва гидроэкология, сув ресурсларини муҳофаза қилиш, сув ресурслари барқарорлигига оид муаммоларни ечишда информацион технологиялар ва моделлаштириш, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик таълим йўналишини такомиллаштириш бўйича қизиқарли маърузалар тингланди.

Ҳусан ТЕМИРОВ

Жиззах Вилояти

ҚУРИЛИШНИНГ ҲАМ ЎЗ МЕЗОНИ БОР

Чинакам қурувчи-бинокор бунёд этилажак иншоотнинг тархини кўздан кечираркан, ишни нимадан бошлаш лозимлигини хаёлан режа қилиб олади-да, сўнг қатъий қарорга келгач, ўша режани қоғозга туширади.

Халқимизда: "Етти ўлчаб, бир кес", деган нақл бор. Бу борада ортиқча мулоҳаза юритиш шарт эмас. Муҳими, қурилиш қонуний ва ҳуқуқий асосларга эга бўлса бас.

Кейинги йилларда вилоятда архитектура қоидаларига асосланган ўнлаб янги савдо-саноат бинолари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростлади. Бу ерда барпо этилган замонавий иншоотлар шаҳар ҳамда туманларнинг кўркига кўрк бағишламоқда. Шу машаққатли меҳнат эвазига бунёд этилган мазкур биноларни асраш, айниқса, ёнғинлардан муҳофаза этиш муҳим вазифалардан биридир. Чунки ушбу ҳудудларда рўй берган бир қатор ёнғинлар сабаблари ўрганилганда янгидан фойдаланишга топширилган турар-жойларни қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинмаганлиги оқибатида ёнғинлар келиб чиққанлиги маълум бўлди. Жорий йилнинг ўн ойи мобайнида Жиззах вилояти бўйича содир бўлган 392 та ёнғиннинг асосий қисми қурилиш меъёрларининг қўпол тарзда бузилгани туфайли келиб чиққан. Мазкур ёнғинлардан давлат ва жамият 165 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар кўрди. Бошқача айтганда, электр ёритиш ва иситиш тармоқларидан, табиий газдан нотўғри фойдаланиш, бу борадаги қонунбузарлик ва қоидабузарлик ҳолатлари оқибатида ҳам кўнгилсиз воқеалар рўй бераётгани сир эмас.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги фармойишига биноан юртимизда 15 ноябрдан 15 декабрга қадар ўтказилаётган "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" тадбирида вилоятдаги ҳар бир корхона ва ташкилот, хўжалик ҳамда муассаса меҳнат жамоалари қатори қурилиш идораларининг ҳам фаоллигини оширишга эътиборнинг кучайтирилганлиги бежиз эмас. Чунки қурилаётган иншоотларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қурувчи ва раҳбар ходимлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Қурилаётган ва қурилиши тугалланган биноларда ёнғин хавфсизлиги талабларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Яъни, қурилиш масканида ишловчи газ ва электр пайвандчилар махсус ҳимоя воситасига ҳамда шу ерда ишлаш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномага эга бўлиши, ёнғин хавфсизлиги қоида-талаблари бўйича йўриқномадан ўтказилиши, қурилиш майдонида чиқиндиларнинг ёқилишига йўл қўймаслик ва қурилаётган бинолар ўртасида ёнғинга қарши муҳофаза деворлари мавжуд бўлиши лозимлиги уқтирилмоқда.

Шунингдек, ёнғин хавфсизлиги ойлигида вилоятдаги барча қурилиш майдонларида "Вагон" тадбири ҳам ўтказилмоқда. Мазкур тадбирда қурилишларда ишлаётган газ ва электр пайвандчилар учун махсус ўқув-семинарлар ташкил этиш, уларнинг ихтисослиги бўйича билим ва тажрибаларини синовдан ўтказиш, махсус гувоҳномага эга бўлмаган кишиларни пайвандлаш ишларига қўймаслик, вагон-уйларда электр ёритиш ва иситиш воситаларидан фойдаланилаётганда махсус қоида ҳамда тартибларга амал қилинишини таъминлаш, вагон-уйлар деворларига электр улагичлар ўрнатишнинг олдини олиш, очиқ оловдан фойдаланмаслик, қурилиш майдонларида болаларнинг ўйнаб юришига йўл қўймаслик, кислород баллонлар, бўёқлар, карбид тахта материаллар билан бир жойда сақланишининг олдини олиш, вагон-уйчаларнинг бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланишига эришиш каби қатор вазифалар кўзда тутилган. Албатта, мазкур тадбирларда қурувчиларнинг фаол иштирок этиши кўзда тутилган эзгу мақсадларга эришишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Сайфитдин ҲОЖИМЕТОВ,
Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ МТЭГ катта муҳандиси, майор.
Фазлиддин РАҲМОНҚУЛОВ,
Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ ёнғиннинг олдини олиш ва назоратини ташкил этиш гуруҳи катта муҳандиси, капитан.

Самарқанд Вилояти

"Ўзстандарт" агентлигига қарашли Самарқанд вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси халқ хўжалигининг барча тармоқларида Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Метрология тўғрисида"ги ҳамда "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги Қонунлари ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишларни амалга оширмоқда.

ИСТЕЪМОЛЧИ МАДАНИЯТИ ВА МАҲСУЛОТ СИФАТИ

улар ўзаро мутаносибликни талаб этади

Бугунги кунга келиб марказда 6 та бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идоралари фаолият кўрсатмоқда. Улар озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат ҳамда қурилиш ва сантехника маҳсулотларини сертификатлаштиришда аҳоли манфаатларини кўзлаб иш олиб бораётир.

Бу борада озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сертификатлаштириш идораси асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, вилоятда етиштирилиб, хорижга экспорт қилинаётган ҳўл ва қуруқ мева, полиз ҳамда дуккакли экинларни сертификатлаштиришда идора мутахассисларининг алоҳида ўрни бор. Асосий эътибор бошоқли дон экинларини йиғиб олиш мавсумида ғаллани сертификатлаштиришга қаратилади.

— Тегишли қонунлар талабларидан келиб чиққан ҳолда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари доимий ҳимояда. Ички истеъмол бозорида сифати паст, инсонлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишининг олдини олиш, маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш борасида тегишли вазифалар белгиланяпти, — дейди Самарқанд вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори ўринбосари Улуғбек Лаханов. — Марказимизнинг сертификатлаштириш идораси 2008 йилда Туркия Аккредитация қўмитаси томонидан EN 45011 (ISO/LEC 65) халқаро стандартига мувофиқ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, музлаткич ва совиткичларни сертификатлаш бўйича аккредитациядан ўтган. Бу эса сертификатлаштириш идораси томонидан берилган мувофиқлик сертификатларининг хорижий давлатларда тан олиниши ва тадбиркорларга хорижий бозорларда ўз маҳсулотларини қийинчиликсиз сотиш имконини бермоқда.

Улуғбек Лахановнинг эътироф этишича, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини синаш учун марказда физик-кимёвий синовлар лабораторияси замонавий ўлчов воситалари ва ускуналар билан таъминланган. Қолаверса, лаборатория жаҳон андозаларига мос алоҳида ажратилган махсус жойларга эга.

Марказ томонидан корхоналарда, халқаро стандартлар асосида сифатни бошқариш тизимларини жорий қилиш бўйича қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги "Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори айни вақтда қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу қарорга киритилган барча корхоналар, жумладан, "Жомбойдон маҳсулотлари" ОАЖ, "Мароқанд силк" МЧЖ, "Пахтачи Родник Ёғ" МЧЖ агрофирмаси ва бошқалар билан сифатни бошқариш тизимини жорий этиш бўйича шартномалар имзоланиб, ушбу йўналиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Вилоятдаги тадбиркорларга сифатни бошқариш тизимларини жорий қилиш ва сертификатлашда қулайликлар яратиш мақсадида марказда шу йилнинг июнь ойида сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаштириш идораси ташкил қилинди ва аккредитациядан ўтказилди. Бу эса вилоят корхоналарида сифатни бошқариш тизимларини сертификатлашда яна бир қулай шароит яратилишига олиб келди.

Назорат

Эндиликда марказ вилоятда фаолият юритаётган тадбиркорларга маҳсулотларни сертификатлаштириш ва синовдан сифатли ўтказиш, корхоналарда халқаро стандартларга мос равишда сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш ва сертификатлаштириш бўйича ўз хизматларини таклиф қилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Самарқанд вилояти синов ва сертификатлаштириш давлат корхонаси жамоасининг эзгу нияти битта. У ҳам бўлса бозор ва дўконларимизда истеъмол учун яроқсиз маҳсулотлар бўлмаслигига эришишдир.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ОЗОДЛИК ҚЎШИҒИ

Бугун Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

...Серқуёш ва ҳур бу Ватанда туғилмоқ — бахт, унга муносиб бўлмоқ — бурч, оламни маҳлиё айлаган диёримиз шуҳратини юксалтирмоқ — шараф. Бундай буюк мақсад йўлида улуғ аждодларимизнинг мардона руҳи ҳамиша ёр бўлади, эркин ва ёш авлодлар қанот бағишлайди...

Ҳар тонг давлатимиз мадҳияси садолари остида янги кунни қаршилар эканмиз, қалбимиздан ана шундай ёруғ туйғулар ўтиши ва у бизга кун бўйи қувват, ишонч, ғурур бағишлаши табиий. Зотан, дунёда қўшиқлар кўп, аммо халқни бирлаштирадиган қўшиқ — мадҳиядир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йил 10 декабрда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда белгиланганидек, мадҳиямиз давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланади, унга катта эҳтиром билан қараш ҳар бир юртдошимизнинг ватанпарварлик бурчидир.

Бугун миллий мадҳиямизнинг муаззам садолари давлатимиз раҳбарининг турли мамлакатларга расмий ташрифлари чоғида, Ўзбекистонга келган хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш маросимларида, юртимизда ўтаётган умумхалқ байрамларида, йирик халқаро анжуманлар, тинчлик ва дўстлик келишувларида, спорт мусобақаларида ва спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда энг баланд шоҳсупага кўтарилган пайтида янграйди.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъри, Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган мадҳиямиз халқимизнинг асрий орзу-армонлари, келажакка ёруғ умиди ва мустаҳкам ишончини ўзида мужассам этган.

Бугун миллий мадҳиямизнинг муаззам садолари спорт мусобақаларида ва спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда энг баланд шоҳсупага кўтарилган пайтида ҳам баралла янграмоқда.

Серқуёш — юртимиздаги бетакрор иқлим ва танланган тараққиётнинг ёруғ йўли, ҳур — миллий мустақиллик ва ривожланиш, ҳақсевар — Ватанимиз табарруклиги ва адолат тантанаси, оламни маҳлиё айлаганлик — бой ўтмиш ва гўзаллик, юксак салоҳият ва қудрат ифодаларидир.

Юртимизнинг элга бахт ва нажот бўлиши — миллий ҳамжиҳатликдаги тараққиётни, дўстларга йўлдош ва меҳрибонлиги — халқаро ҳамжамиятга фаол интеграциялашув жараёнида ҳамиша тинчлик ва фаровонлик тарафдори эканини англатади.

Жаҳонда то абад илму фан, ижод яшнар экан, Ватанимиз шуҳрати ҳам мангу порлаши — улуғ аждодларимиздан мерос буюк интеллектнинг авлодлар оша абадий яшаши ва амалда ўзини намоён этаверишидир. Мадҳиямизда аждодларимиз — мардона руҳ эгаси, авлодлар — эркин ва ёш қанот тарзида таърифлангани улуғ халқ қудратининг миллий негизини янада ойдинроқ ифодалайди.

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони — ҳаётимизни барҳаёт, умрзоқ ва бизни ҳамиша саодатга элтувчи миллий мезонлар асосига қурганимизни, ўзимиз танлаган йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаслигимизни, бу йўлда истиқлол машъала ва тинчлик посбони бўлишидир.

Бу қуйма сўзлар соҳир мусиқа билан бирлашиб таралганда, ўзини шу Ватанга ва халққа мансуб билган киши борки, ўзида бир чўнг туйғуни сезади, жарангдор руҳ ва ички оҳангдорликдан қувват олиб, эл-юрт равнақига ҳисса қўшишга аҳдланади.

Инсонни камолотга чорлайдиган эзгу таълимотлар билан ёвузликка ундайдиган зарарли ғоялар ўртасидаги азалий кураш янада кескинлашган бугунгидек мураккаб глобаллашув шароитида ўз манфаатимизни Ватан олдидаги бурчимиз билан бирлаштириш, ён-атрофимиздаги ҳар бир воқеа-ҳодисага дахлдорлик ҳисси билан яшаш, энг муҳими, ёшларимизни комил инсонлар этиб тарбиялаш — ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бу йўлда давлатимиз мадҳияси муҳим тарбия воситасидир. Зотан, халқимизнинг бош қўшиғи ўзимизга она сути, алласи ва улуғ аждодларимиз ўгити билан кирган бемисл миллий қудрат, юксак интеллект, мустаҳкам иродани эслатиб туради.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

СПОРТ

▼ ФУТБОЛ

"ШЎРТАН" ҲАМ ОФК КУБОГИДА ҚАТНАШАДИ

Якунига етган мавсумни ўз тарихидаги энг юқори — 4-ўринда якунлаган ва биринчи марта Ўзбекистон Кубоги финалида иштирок этган Ғузорнинг «Шўртан» жамоаси ОФК Кубоги баҳсларида қатнашади.

Баҳрайннинг «Ал Аҳли» клуби Осиё Футбол Конфедерациясига жамоа мусобақада қатнашишдан бош тортганлигини маълум қилди. Натижада, ОФКнинг «Мусобақалар ўтказиш қўмитаси» аъзолари Ўзбекистон ва Қатар Футбол Федерацияларига расмий хат жўнатиб, захирада турган жамоаларга имконият берди. Ўзбекистон Футбол Федерацияси «Шўртан» клуби раҳбарияти томонидан юборилган хатга асосан, ОФК Кубогида иштирок этиш учун «Шўртан» жамоаси номзодини тавсия этди.

Қатар Футбол Федерациясининг ОФК билан музокаралари муваффақиятсиз якунланди. «Шўртан» эса плей-офф ўйинларини четлаб ўтиб, ОФК Кубоги гуруҳ баҳсларига тўғридан-тўғри йўл олди.

Ғузор жамоаси "В" гуруҳида Ал-Қодисия (Қувайт) ва "Ас-Сақр" (Яман) жамоалари билан баҳслашади. Гуруҳнинг тўртинчи вакили Осиё чемпионлар лигасининг саралаш босқичида аниқланади. Қоидага кўра, Осиё чемпионлар лигаси плей-офф баҳсининг биринчи босқичида мағлуб бўлган тўртта жамоа ОФК Кубоги баҳсларига қўшилади. Ана шу жамоалардан биттаси "В" гуруҳидан жой олади. Мазкур мусобақада Ўзбекистон шарафини Қашқадарё вилоятининг яна бир жамоаси —"Насаф" ҳимоя қилиши кўпчиликка маълум. Қуръага кўра Қарши шаҳри жамоаси "А" гуруҳида "Ал-Ансар " (Ливан) ва "Ат-Тилал" (Яман) жамоалари билан бир гуруҳдан жой олган. Тўртинчи рақиб жамоа номи бу гуруҳда ҳам Осиё чемпионлар лигаси плей-офф баҳсидан сўнг маълум бўлади.

2011 йилнинг 1 март куни «Насаф» илк учрашувда Ливаннинг «Ал-Ансар» жамоасини қабул қилса, ғузорликлар «Ал-Қодисия» (Қувайт) меҳмони бўлади.

Шу куни Осиё чемпионлар лигаси 1-тур учрашувларига ҳам старт берилади. Юртимиз шарафини мазкур мусобақада Тошкентнинг "Пахтакор" ва "Бунёдкор" жамоалари ҳимоя қилади. "Бунёдкор" "С" гуруҳида "Ал-Иттиҳод" (Саудия Арабистони), "Ал-Ваҳда" (БАА) ва "Пирузи" (Эрон) жамоалари, "Пахтакор" эса "В" гуруҳида Эроннинг "Истиқлол", Саудия Арабистонининг "Ан-Наср" клублари (Тўртинчи рақиб жамоа номи Осиё чемпионлар лигаси плей-офф баҳсидан сўнг маълум бўлади) билан бир гуруҳдан жой олган. "Пахтакор" дастлабки турни «Ан-Наср»га қарши ўйин билан бошласа, Миржалол Қосимов шогирдлари 2 март куни Абу-Дабида «Ал Ваҳда» билан куч синашади.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

▼ КУРАШ

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ БЕЛЛАШУВЛАРИ

Қарши олимпия захиралари спорт коллежида миллий кураш бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Ғолиблик учун баҳслар эркаклар ва аёллар ўртасида яккалик ҳамда жамоавий йўналишлар бўйича бўлди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 450 нафарга яқин спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди. Эркаклар ўртасидаги беллашувлар ғоят муросасиз кечди. Барча баҳсларни юқори савияда ўтказган қашқадарёлик Аброр Чориев, Давлат Абраев, Соиб Қурбонов, андижонлик Шароф Лутфуллаев, Тошкент шаҳрилик Шуҳрат Арслонов, бухоролик Ширин Шаропов, Илғор Асадовлар шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олдилар. Хотин-қизлар ўртасида эса Тошкент шаҳрилик Муқаддас Кубаева, андижонлик Гулзира Каримова ва Наргиза Ҳамдамовалар ўз вазнлари бўйича бош соврин соҳиби бўлдилар.

Пойтахт жамоасидан Шоҳида Назарова, Ўғилой Нуралиева, Соҳиба Эштемирова, Обида Алладўстовалар ўз маҳоратларини дадил намойиш этиб, мутахассис ва мухлисларнинг юқори баҳосига сазовор бўлдилар.

Беллашувлар якунига кўра умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи ўринни қўлга киритишди. Иккинчи ўрин бухороликларга, учинчи ўрин эса қашқадарёлик спортчиларга насиб этди.

Ғолиблар кубок, диплом ҳамда эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Ҳусан ТЕМИРОВ

«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» КОРХОНАЛАРИДА

«Қизилтепа ун заводи»
акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган қуйидаги маҳсулотлар сотилади:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОВАР ХОМАШЁ БИРЖАСИ ОРҚАЛИ:

НОВВОЙЛИК БУҒДОЙ УНИ
1-нави O'zDSt 1104-2006 стандарти асосида ишлаб чиқарилади. Аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар ўртасида учрайдиган камқонлик — анемия касаллигини камайтириш мақсадида, аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, корхонамизда асосан темир моддаси билан бойитилган 1-навли ун маҳсулоти ишлаб чиқарилади.
Бошланғич нархи:
1-навли 1 тоннаси 504200 сўм.

ОМИХТА ЕМ
Омихта ем TSh 8-95:2007 давлат стандарти ва рецепт асосида чорвачилик учун ишлаб чиқарилади. Корхонамизда сочма шаклларда рецептурага мувофиқ ишлаб чиқарилмоқда.
Бошланғич нархи:
сочма 1 тоннаси 255300 сўм.

НОН МАҲСУЛОТЛАРИ
Шунингдек, "Қизилтепа ун заводи" АЖда Германияда ишлаб чиқарилган замонавий технология асосида 4 хил нон маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, харидорларга нақд пул ва пул кўчириш йўли орқали сотилади.

gain Global Alliance for Improved Nutrition
Healthy Food Sog'lom Mahsulotlar
Маҳсулотлар сертификатланган
Мурожаат учун телефон: (8-436) 555-23-71.
Манзилимиз: Қизилтепа тумани Ёшлик кўчаси № 2-уй.

«ДУНЁ—М»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАР СОТИЛАДИ:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОВАР ХОМАШЁ БИРЖАСИ ҲАМДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ШАРТНОМА АСОСИДА

НОВВОЙЛИК БУҒДОЙ УНИ
Аҳоли ўртасида, айниқса, аёллар ва болаларда учрайдиган камқонлик касаллигининг олдини олиш мақсадида ва аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, корхонамизда асосан темир моддаси билан бойитилган 1-навли ун ишлаб чиқарилади.
Бошланғич нархи: 1 тоннаси 504 200 сўм

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ШАРТНОМА АСОСИДА
ЁРМА
У озиқ-овқат маҳсулотлари орасида тўйимлилик даражаси юқорилиги ва мазали экани билан ажралиб туради.
Ҳозирги кунда корхонамизда арпа ёрмаси (перловка) сочма ва қадоқланган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда.
Бошланғич нархи: 1 тоннаси 703 181сўм 92 тийин

Ун
буғдой
Макарон маҳсулотлари

Корхона манзили: Қарши шаҳри Шайхали қўрғончаси
Олтин бошоқ кўчаси 1-уй
Мурожаат учун телефонлар: 8-(375)-226-53-52. Факс: 780-85-05

CLAAS Замонавий қишлоқ хўжалик техникаси
"ТТЗ-80.10", "ТТЗ-80.11" русумли тракторлар, "БОРЭКС-2302" русумли экскаватор, трактор прицеплари, прицепли ассенизация машинаси, "Клаас" концерни билан тузилган Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган "Доминатор-130" ғалла комбайни, 100 от кучли универсал ва 150 от кучига эга ҳайдов тракторлари, сомон ва пичан прессловчи техника воситасини тўғридан-тўғри шартномалар орқали, шунингдек, банкларнинг имтиёзли кредитлари ҳамда лизинг орқали сотиб олишингиз мумкин.
"ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ" ОАЖ
Манзил: 100142, Тошкент, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уй.
Телефонлар: (8-371) 264-12-04; 264-07-58; факс: 264-05-61.
E-mail: ttzmarket@gmail.com
Маҳсулотлар сертификатланган

ЧП "GRAND INVEST BUILDING" (код по ОКПО 22554615, ИНН 300980364) сообщает об уменьшении Уставного фонда с 500 000 000 сум до 2 500 000 сум. Претензии принимаются по адресу: г.Ташкент Мирабадский р-н ул.Афросиёб д.4 А. Тел.: 227-77-69.

Утерянная справка № 2718 (форма 18) от 28.08.2007 г., выданная к договору аренды помещение по адресу: г.Ташкент Шайхантахурский р-н Ибн Сино-1 д.1 (кадастр № 1419075089 от 30.10.2001 г.), считать недействительным.

"SAVDOGAR-BIZNES" хусусий корхонаси номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Миробод т. ҳокимиятининг ТСРЎИ томонидан (реестр № 002060-03, 12.11.2010 й.) рўйхатга олинган "KRISTAL-KONTINENT" МЧЖнинг Устав фонди 32 600 000 сўмдан 13 200 000 сўмгача камайганлигини маълум қилади. Даъволар учун тел.: 553-12-76.

ООО "SILVER PAPER" (ИНН 301659720) Сергелийского р-на г.Ташкента объявляет о реорганизации в форме слияния с ООО "GREENLAND TRANS SERVIS" (ИНН 205332908) Сергелийского р-на г.Ташкента. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: Сергели 4 д.17а. Тел.: 754-50-77.

Утерянное разрешение на трудовую деятельность № 046177 от 2010 г., выданным Мин-вом труда РУз на имя Айамберди Рахман Назар, считать недействительным.

Утерянное разрешение на трудовую деятельность № 046351 от 2010 г., выданным Мин-вом труда РУз на имя Хайатуллах Эсматуллах, считать недействительным.

Утерянный план квартиры по адресу: Чилонзор кв-л 7 д.33 кв-ра 13, выданный Чиланзарским БТИ г.Ташкента на имя Айтбаевой Юлдуз Абдухаликовны, считать недействительным.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Зафар РЎЗИЕВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Нодир НАЗАРОВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРХЎЖАЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ағитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими— 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.
ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 352-54-58, 743-03-45; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 593-27-57; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган ва Фарғона – 224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 588-06-89; Сурхондарё — 730-15-02; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 520-69-14; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
Ⓣ-тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй
E-mail:
info@qishloqhayoti.uz
qh02@rambler.ru

Навбатчи муҳаррир:
Д.ҚИРҒИЗБОЕВ
Мусаҳҳиҳ:
С.ҚОДИРОВ
Дизайнер:
Ю.МИХАЙЛОВСКИЙ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-1117, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.35
10048 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4